

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Навбаҳор туман Халқ таълими
бўлими мудир



Х.Рахматов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
Навбаҳор туман ХТБга қарашли 1-мактаб биносини
жорий таъмирлаш харажатлари учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навбаҳор -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навбахор туман ХТБга қарашли 1 мактаб биносини жорий таъмирлаш харажатлари учун.

1.2. Танловнинг юкори қиймати – 205770867 (Икки юз беш миллион етти юз етмиш минг саккиз юз олтмиш етти сум) сўм . Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати 30% аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Навбахор туман ХТБ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят Навбахор туман ,Бешрабод МФЙ.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши

учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ xarid.uzex.uz ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда xarid.uzex.uzга жойлаштириши лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъбуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар harid.uzex.uz бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш harid.uzex.uz харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Танлов иштирокчилари куйидаги талабларга риоя этиш шарт

Порталда эълон қилинган танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган harid.uzex.uz манзил бўйича электрон такдим этилади.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари harid.uzex.uzга рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда harid.uzex.uzга электрон жойлаштирилиши тавсия этилади.

Танлов иштирокчиларининг техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга harid.uzex.uzга электрон жойлаштириши лозим бўлади.

Таклифлар билан бирга иштирокчилар харид объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунасини такдим этиши мумкин.

Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлов иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлов иштирокчиси такдим этилган таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни чақириб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Танловга таклифларни қабул қилиш порталда чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли.

Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориши шарт.

Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгилаган тақдирда, таклифлар юборилгунига қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровга дарҳол жавоб беради.

Танловда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар катнаша олади:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

1. Танлов иштирокчиларидан 1-paket учун талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати: 1. Физ абиём ишлаб чиқиш ва солиқдан қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома (асл нусхасидан)кучирма. 2. Корхона Низоми ва гувоҳномаси. 3. 3 йиллик молиявий фаолияти тўғрисида маълумотнома. 5.Солиқ органларига топширилган бухгалтерия баланиси молиявий натижа ва статистика бошқармаларига топширилган йиллик ҳисоботлари. 6. Итер ходимлари рўйхати ва диплом нусхалари. 7. Машина механизмлари тех паспортлари нусхаси, кичик механизмлар. 8. Ташкилот томонидан қилинган ишлари бўйича қабул қилиш далолатномалари. 9. Танлов иштирокчиларидан офёртаси (тижорат таклифи билан). 2. ЛСХда кўрсатилган иш хизматларни сифатли бажариш.Корхонанинг батафсил тижорат таклифи, Корхонанинг давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси (ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда), иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисида ваколатли орган томонидан имзоланган маълумотнома (Бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармалардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома). Иштирокчининг банклардан қарздорликлари ва (картотека-2) йўқлиги тўғрисида маълумотнома. Корхонада ишловчи ходимлар

тўғрисида маълумотнома (курилиш ходимлар тўғрисида буйрукдан кучирма),
 Корхонанинг моддий техникавий базаси тўғрисида маълумотнома.
 (тасдиқловчи хужжатларнинг асл нусхаси) Корхонанинг ўзига нисбатан
 жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги
 тўғрисида маълумотлар. Корхонанинг инсофсиз ижрочиларнинг ягона
 реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотлар. Шартномани
 бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг
 ҳамда бошқа ресурслари мавжуд булиши керак. Хамма ҳужжатлар
 xarid.uzex.uzга электрон холда жойлаштириш лозим. Қўшимча равишда
 такдим қилинган хужжатлар қабул қилинмайди. Ушбу талабларни тўлиқ
 бажармаган иштирокчилар комиссия томонидан кўриб чиқилмайди ва
 танловга қўйилмайди. (Бириктирилган файилларга қаранг). Танлов
 хужжатлари ўзбек тилида қабул қилинади.

№	Талаб	Талабнинг бажарилиши
1	Бюджетни унути эмас	Маълумот берилган бўлибди. Шартнома бажариш учун талаб маълумотларнинг асл нусхасида.
2	Объектнинг жойлаштириш ўрни	Талабни қанақадан бажариш мумкинлиги ҳақида маълумот берилган бўлибди.
3	Талабнинг мавжудлиги	Талабнинг мавжудлиги ҳақида маълумот берилган бўлибди.
4	Талабнинг бажарилиши	Талабнинг бажарилиши ҳақида маълумот берилган бўлибди.
5	Талабнинг бажарилиши	Талабнинг бажарилиши ҳақида маълумот берилган бўлибди.
6	Талабнинг бажарилиши	Талабнинг бажарилиши ҳақида маълумот берилган бўлибди.
7	Талабнинг бажарилиши	Талабнинг бажарилиши ҳақида маълумот берилган бўлибди.
8	Талабнинг бажарилиши	Талабнинг бажарилиши ҳақида маълумот берилган бўлибди.
9	Талабнинг бажарилиши	Талабнинг бажарилиши ҳақида маълумот берилган бўлибди.
10	Талабнинг бажарилиши	Талабнинг бажарилиши ҳақида маълумот берилган бўлибди.



"TASLIM QILAYMAN"
Navoiy tumani XTB mudiri
X.Рахматов

2022 йил

М.Ў

Navoiy tumani XTBga qarashli 1-umumiy ўрта ta'lim maktab binosini joriy ta'mirlash xarajatlari uchun.

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Navoiy tumani XTBga qarashli 1-umumiy ўрта ta'lim maktabi
2	Буюртмачи	Navoiy tumani XTB
3	Буюртма учун асос	Махаллий бюджет маблағлар ҳисобидан 1-umumiy ўрта ta'lim maktab binosini joriy ta'mirlash
4	Объектнинг жойлашган ўрни	Navoiy viloyati Navoiy tumani Navoiy МФЙ
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Navoiy tumani XTBga qarashli 1-umumiy ўрта ta'lim maktab binosini joriy ta'mirlash xarajatlarini s'fatli uz vaktida bajariш.
6	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	harid.uzex.uzga электрон жойлаштириш.
7	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Қурилиш тамирлаш ишлари 100 % бажарилиб форма 2 форма ҳамда счет-фактурага асосан тўлов амалга оширилади.
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил июл ойидан 2022 йил 30 августгача.
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Махаллий бюджет маблағлар ҳисобидан

Ганлов тўжжа тўжжатириши маълумот
Б. Танлов ишгирикчи тўжжатириши маълумот
И. Техник қисм